Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 24 МАРТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 62 – 63 (13.125 – 13.126)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсоатов олган сурат

ҒУРУР ВА ИФТИХОР МАСКАНИ

Амир Темур хиёбонидан репортаж

Тошкент метрополитенида шундай бекатлар бор: тасвири, манзараси, пардози номига уйғун. Масалан, "Алишер Навоий" бекатидаги "Хамса" қаҳрамонлари тасвири, нақшинкор гумбазлар, савлатли устунлар кишини хаёлан улуғ шоир дунёсига етаклайди, унинг маънавий куч-қуввати ва жаҳон бадиий тафаккурига қўшган ҳиссасини ёдга солади. Яна шундай бекатлар бор: бекат номини эшитган йўловчи ўзини олис ўтмишга бориб қолгандай ҳис қилади ва қалбида миллий ғурур жўш уради. "Амир Темур хиёбони" ана шундай бекатлардан.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Амир Темур бобомиз хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йил Амир Темур таваллудига 680 йил тўлади. Ушбу сана Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига тўғри келганида ҳам рамзий маъно бор. Амир Темур айни шу ёшларида Моваруннаҳрда сиёсий тарқоқлик, ўзаро курашлар ва бошбошдоқлик ҳукм сурган даврда қаҳрамонлик кўрсатган. Юртда тинчлик, одамлар ҳаётида ҳаловат, марказлашган қудратли давлат барпо этишдек эзгу ишларни бошлаган.

Соҳибқирон бугун халқимизнинг ғурур-ифтихори, беқиёс қудрати тимсолига айланган. Президентимиз таъбири билан айтганда, Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

...Поезд секинлай бошлайди. Зум ўтмай атроф ёришади. Оқ, қизғиш, қора ва кулранг тусдаги мармар билан пардозланган, икки четида улуғвор устунлар қад ростлаган бекатга кириб келасиз.

"Амир Темур хиёбони" – гавжум бекат. Йўловчилар оқими тинмайди. Ора-орада диспетчер поезд келаётганини маълум қилади. Ҳар куни бу ердан минглаб йўловчилар кундалик юмушлари билан ўз манзилига ошиқади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга...

Навбатдаги поезд келгунча йўловчилардан бирини суҳбатга тортамиз. Ўзини Аваз Жамолов деб таништирган йигит Тошкент молия институтида ўқиркан. Метрода қатнашини айтиб, миллий меъморлик ва замонавий архитектуранинг ноёб намунаси бўлган ушбу бекат билан боғлиқ фикрларини баён қилди:

– Ҳар сафар "Амир Темур хиёбони" бекатига келганимда енгилмас қаҳрамон, буюк саркарда, улуғ маърифатпарвар – Амир Темур бобомизнинг табаррук сиймоси кўз ўнгимда намоён бўлади. У кишининг муборак руҳлари "авлодларим нималар билан шуғулланмоқда, қандай эзгу ишлар қилмоқда", дегандай бизни кузатиб, чор-атрофда кезиб юргандай туюлади. Қулоғимга Амир Темур бобомизнинг бутун инсониятни ақл-идрок, илму маърифат асосида яшашга даъват этган "Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар", деган сўзлари чалинади. Бундан қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандай бўламан. Ана шу руҳий қувват биз, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга ундайди...

(Давоми 3-бетда)

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 23 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Венгрия ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, фан ва технология, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат саноати, сайёҳлик, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, электротехника каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Элёр Ганиев ва бошқалар Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Венгрия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги фаол ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, автомобилда халқаро йўловчи ва юк ташишга оид қатор ҳукуматлараро битимларга асосланади.

Савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган.

Мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларини ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш, хусусий мулкнинг улушини ошириш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажмини янада ошириш ва товарлар номенклатурасини кенгайтириш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам манфаатдор эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз савдо, фан ва техника, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, хусусий тадбиркорлик каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Венгрия делегацияси Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат самаралари, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳамда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг пухта ишлаб чиқилган механизми, индустриал зоналардаги кенг имкониятлар ва имтиёзлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

– Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ва барқарор ривожланмоқда, – деди Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Ласло Сабо. – Бундай учрашув ва тадбирлар мамлакатингизда бизнес юритишнинг истиқболли йўналишлари билан янада яқинроқ танишиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан музокара олиб бориш имконини беради.

Мажлисда иқтисодиёт, савдо ва сайёҳлик соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар иқтисодиётнинг турли йўналишларида сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, фан, таълим каби соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашди. Икки мамлакатнинг ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Венгрия делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро вилояти ҳокимлиги, вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Қадриятлар бешигисан, Ватаним!" шиори остида ижтимоий телероликлар миллий фестивали ўтказилди.

● Наврўз умумхалқ байрами кунларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан "Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!" лойиҳаси доирасида хайр-саховат акцияси ўтказилди.

● Андижонда "Энг намунали саломатлик сектори" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида 34 маҳалла фаоли ва патронаж ҳамшираси иштирок этди. Иштирокчилар аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичлари бўйича ҳудудда олиб борилаётган ишлар, соғлом турмуш тарғиботи, ҳамкорликнинг қай даражада йўлга қўйилгани, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, фаолиятига оид кўргазмалар ташкил этиш сингари қатор шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

● Бухорода ёш доирачилар ўртасида ўтказилаётган "Зарб – 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ушбу танловда вилоятдаги 14 "Баркамол авлод" болалар марказининг 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган аъзолари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасидан саралланган 78 нафар иштирокчи ўз маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Хитойдаги конларнинг бирида ер кўчиб тушиши сабабли 18 нафар шахта ходими ҳаётдан кўз юмди.

● NASA агентлиги хавфсизлик тизимини синовдан ўтказиш мақсадида фазода коинот кемасининг тахтадан тайёрланган композит материали ҳамда шиша пластикдан иборат қутини ёқиб очиқ коинотда ёнғин қандай содир бўлишини ўрганиш ниятида. Олимларни аланганинг катталиги ва тарқалиш тезлиги қизиқтирмоқда. Бунда махсус датчиклар реал вақтда кислород, карбонат ангидрид ва ҳарорат ҳақидаги маълумотларни йиғади. Бу маълумотлар фазогирлар учун ҳимоя воситаларини яратишда ёрдам беради.

● Мексикалик олим Макс Ортис Каталан жаҳонда биринчи бўлиб инсон танаси тўқималарига (суяк, мушак, асаб) тўғридан тўғри боғланувчи протезни яратди. Тадқиқот Гётебургдаги Чалмерс технологик университетида ўтказилиб, олим томонидан яратилган қурилма суяк тўқимаси билан инплант ўртасида бевосита боғланиш орқали инсон танасининг йўқолган қисми тикланиш имкониятини беради.

Фуқаролар йиғинлари сайловига ҳозирлик

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент шаҳар комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказишга оид ташкилий масалалар, туманларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш юзасидан бажарилиши лозим бўлган тадбирлар режаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар, Миробод ва Олмазор туманларида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик, сайловларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўйича шаҳар ва туманларда семинарлар ўтказишга оид қатор масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Сенат қарорига кўра, 2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига юкланганлиги билдирилди.

Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларини янги таҳрирда қабул қилинган Қонунга асосан туманларда ташкил қилинган сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия билан бирга фуқаролар йиғинларида тузиладиган ишчи гуруҳининг ваколат муддати 2,5 йилга узайтирилган.

Ишчи гуруҳи раиси ва аъзоларини ҳақиқатдан ҳам муносиб, топшириқларни уддалай оладиган фуқаролардан сайлаш мақсадида, гуруҳ таркибига тўрт тоифадаги шахслар, яъни фуқаролар йиғини вакиллари кириши, иккинчидан, шу ҳудудда ишлаётган давлат органлари, ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари, учинчидан, шу ҳудуддаги нодавлат нотижорат ташкилотининг вакиллари, тўртинчидан, албатта шу ҳудуддан сайланган депутат кириши лозимлиги ҳақида талаблар қўйилганлиги қайд этилди.

Бундан ташқари қонунчиликка мувофиқ сайловларнинг муқобиллик асосида ўтказилиши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳар бир ўринга камида 2 ва ундан ортиқ номзод овозга қўйилиши ҳақида тўхталиб ўтилди.

Маҳаллаларда сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи Кенгаш томонидан эмас, Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан тузилиши, албатта вакиллар йиғилиши ўтказилиши кераклиги, буни туман кўмаклашувчи комиссияси назорат қилиб бориши кераклиги билдирилди.

Шунингдек, сайловларни ўтказишга амалий ёрдам бериш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан услубий тавсиялар намуналари ишлаб чиқилаётганлиги ва уларнинг электрон версияси туманларга етказилиши маълум қилинди.

Миробод ва Олмазор туманларида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилишининг бориши тўғрисидаги масала бўйича туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар бўйича шаҳар Кўмаклашувчи комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясида "Корпоратив бошқарув – акциядорлик жамиятларида бошқарув самарадорлигини оширишнинг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОДЕКСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, Адлия вазирлиги, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, акциядорлик компаниялари вакиллари, иқтисодчилар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратгани таъкидланди.

2015 йилда мамлакатимиздаги барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси, лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу асосда акциядорлик жамиятлари раҳбар кадрлари аттестациядан ўтказилди.

Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда Корпоратив бошқарув кодекси қабул қилинди. Миллий қонунчилигимиз ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойиллари асосида ишлаб чиқилган ушбу кодексда акциядорлик жамиятлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш, узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш, ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, аудит ва молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ эълон қилиш каби йўналишлар бўйича тавсиялар белгиланган.

Мутахассислар акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларининг жорий этилиши уларнинг хорижий инвесторлар учун жозибадорлигини янада оширишини қайд этди.

Давра суҳбатида Корпоратив бошқарув кодексининг мазмун-моҳияти, корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, акциядорлар, биринчи навбатда, миноритар акция эгаларининг ҳуқуқларини кафолатли таъминлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни ва унинг ижросини таъминловчи механизмларни мустаҳкамлаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бугунги кунда юртимизда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини 20 дан ортиқ қонунлар ташкил этади. "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг мақсади парламент назоратини ташкил этиш ва уни амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқадорлигини такомиллаштириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмларни яратишга қаратилган.

Йиғилишда ушбу қонун лойиҳаси қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши устидан мониторингни амалга ошириш ва парламент назоратининг замонавий шаклларидан бири бўлмиш парламент текширувларининг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилиши таъкидланди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий натижаларини белгилаши билан бир вақтда бундай назоратнинг чегарасини ҳам ўрнатади.

Қонун лойиҳасида прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, уларнинг мамлакатда қонунийликни ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назоратни олиб бориш бўйича Комиссиясини тузиш масаласининг қонун даражасида мустаҳкамланаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида кенг тан олинган ривожланиш йўли асосида Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш мамлакат парламентининг роли, ваколатлари ва назоратини кучайтириш бўйича кенг қўламли ишлар изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилди. Бунда икки палатали парламент тизимига ўтилгани ва Президентнинг айрим ваколатларининг парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ўтказилгани муҳим аҳамият касб этди.

Доимий комиссия йиғилишида "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси мамлакатимизда парламент назорати институти кўламининг янада кенгайиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутиши, парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини таъминлашда парламентнинг ролини оширишга ҳамда Олий Мажлис палаталарининг назорат фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган масала бўйича доимий комиссия ваколати доирасида тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги бешинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги янги таҳрирдаги Қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Маълумки, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, парламент юқори палатаси йиғилиши кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалалар маҳаллий кенгашлар томонидан соҳа мутахассислари, экспертлар, олимлар ҳамда амалиётчилар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар шу кун талабларидан келиб чиқиб киритилаётганлиги, умуман бу қонун жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиши ҳар томонлама изоҳланди.

Ҳозир амалда қўлланиб келинаётган ва 1996 йил 30 августда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, хўжалик операцияларини назорат қилиш, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартибини қамраб олган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимининг вужудга келиши ва шаклланишига муҳим таъсир кўрсатди. Қонун бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига хўжалик юритувчи субъектларининг риоя қилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди ва бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ тизимини ташкил этиш муаммосини самарали ҳал этишда ёрдам беради.

Бюджет Кодексининг қабул қилиниши муносабати билан Қонунга 2013-2014 йилларда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари масалаларида айрим ёндашувларни ўзгартиришга ва молиявий ҳисобот шаклларини қисқартиришга олиб келди. Бунда динамик ривожланаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришнинг объектив заруриятини туғдирди.

Қонун лойиҳасининг аҳамияти – мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида юз берган ўзгартиришларни, бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил қилишда йиғилган миллий ва халқаро тажрибаларни ҳисобга олишдир. Бухгалтерия ҳисобининг субъектига доир қонун лойиҳасининг бош мақсади – бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тайёрланадиган молиявий ҳисоботдан кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қонун лойиҳасида тартибли тизим сифатида бухгалтерия ҳисоби тушунчаси ва унинг элементлари, бухгалтерия ҳисоби субъектлари ва объектлари, масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ажратиш ҳамда бухгалтерлар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш йўли орқали бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш ҳамда ички назорат тизимини таъминлаш бўйича хўжалик юритувчи субъект ва бухгалтерия хизмати раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган қатор механизмлар кўзда тутилган.

Йиғилишда кўрилган масала бўйича доимий комиссия ваколати доирасида тегишли қарор қабул қилинди.

БОШ ПРОКУРАТУРАНИНГ РАСМИЙ САЙТИ ЯНГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий сайти – www.prokuratura.uznинг янги версияси тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, бошқа идора ва ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Ш.Матиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

2014 йилда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида", 2015 йилда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилингани фуқароларнинг ахборот олиш, мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ амалга ошишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Прокуратура органларида шу каби қонунлар ижросини ва аҳолини соҳага оид ахборотлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бош прокуратура расмий сайтининг замон талабларига жавоб берадиган янги версияси ишга туширилгани бу борада муҳим қадам бўлди.

– Сайтимизнинг янги версияси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди, – дейди Бош прокуратура матбуот хизмати бошлиғи Гулноза Раҳимова. – Унда прокуратура органлари фаолияти ҳақидаги маълумотлар ўрин олган бўлиб, уларни тезкорлик билан топиш учун барча имкониятлар яратилган. Сайтда имконияти чекланган шахслар учун қўшимча қулайлик тақдим этувчи ва бошқа функциялар ҳам ўрин олган.

Сайтга янги "Фаолият" блоки киритилиб, унда прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахборотлар соҳалар бўйича жойлаштирилган.

Сайт орқали ҳудудий прокуратуралар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент фаолиятига оид саҳифалар билан ҳам танишиш мумкин.

"Интерактив хизматлар" бўлимида прокуратура органларида фуқароларни қабул қилиш жадваллари, шунингдек, қабулни ташкиллаштиришга масъул бўлган ходимлар билан боғланишга оид маълумотлар ўрин олган. "Мурожаат юбориш" интернет-қабулхонаси орқали жисмоний ёки юридик шахс қонун бузилишлари ҳақида ариза, шикоят, мурожаат юбориши мумкин. Шунингдек, сайт бепул ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини беради.

"Матбуот маркази" саҳифасида прокуратура органларининг фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти хусусидаги янгиликлар жойлаштириб борилади.

Тадбирда мутахассис ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

ИЛМИЙ МАНБАЛАР – САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан илмий манбалардан фойдаланиш ва нашр эттириш мавзуида илмий форум ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Фанлар академияси, Олий аттестация комиссияси, Интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда олимлар, ёш тадқиқотчилар, педагоглар, ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони соҳани халқаро талаблар асосида ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Фармонга мувофиқ мамлакатимизда фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди. Ушбу тизим диссертация тадқиқотлари сифати, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолият кўрсатмоқда.

Докторлик диссертацияси бўйича илмий тадқиқот олиб борувчиларнинг илмий салоҳиятини белгилашда, мақолалар, илмий-технологик ишланмаларининг чоп этилиши муҳим аҳамият касб этади. Ёш олимларимиз бир неча хорижий тилларни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллагани керакли илмий маълумотлардан тез ва самарали фойдаланишида, тадқиқотлар сифатини оширишда асосий омил бўлмоқда.

Форумда жаҳон илмий-таълим манбалари, электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш, юқори рейтингли илмий журналларда мақолалар нашр эттириш имкониятлари, илмий нашрлар ва докторлик диссертацияларининг сифатини ошириш ҳақида сўз юритилди.

(ЎзА)

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши, Марказий банк, "Асака" банк, "Микрокредитбанк" ва "Туронбанк" ҳамкорлигида "Хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда сиёсий партиялар ва тижорат банклари ҳамкорлиги истиқболлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги олган сурат

БИТИРУВЧИЛАР ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа тараққиётига янада кенг йўл очди.

Бунинг самарасида тармоқда хотин-қизлар иштироки ҳам кенгаймоқда. Мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан ортиғини хотин-қизлар самарали бошқариб келмоқда.

Хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. 2015 йилда тадбиркор аёлларга 1 триллион 255 миллиард сўм кредитлар ажратилган. Ушбу соҳада ўз ишини бошлаётган 6 мингдан ортиқ қизларга 51 миллиард сўмдан зиёд кредитлар берилган.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси тижорат банклари билан ҳамкорликда аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, битирувчи қизларнинг ўз бизнесини очишига кўмаклашишга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу хотин-қизларнинг режа ва мақсадларини рўёбга чиқариш, бандлигини ошириш, жамиятимиз ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Давра суҳбатида Президентимиз фармонига мувофиқ қонунчилигимизга ўзгартишлар киритилгани, рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомиллари янада соддалаштирилгани, бизнес субъектлари ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилгани таъкидланди. Тадбиркорлик учун яратилган имтиёз ва енгилликлар, солиқ тизимидаги янгиликлар, тижорат банкларининг кичик бизнес вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлари хусусида маълумот берилди.

Республика рассомлик коллежи ўқувчилари яратган дизайнерлик ишлари, миллий либослар намойиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

(ЎзА)

ДАРОМАДЛАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Пойтахтимизда Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани "Жисмоний шахсларнинг йиллик даромадларини декларациялаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари" мавзусига бағишланди.

Йиғилишда таъкидланишича, жисмоний шахслар даромадларига солиқ юкини пасайтириш мақсадида 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг иккинчи шкаласи 2015 йилдаги 8,5 фоиздан 1 фоизли пунктга камайтирилиб, 7,5 фоиз қилиб белгиланди.

Амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра, жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқари бошқа корхона, ташкилотларда ўриндошлик асосида ҳамда ўзига тегишли мол-мулкни ижарага бериш орқали ва қонун билан тақиқланмаган фаолиятлар билан шуғулланиб чекланмаган миқдорда даромад олишлари мумкин. Олинган даромадларга эса қонунчиликда белгиланган тартибда декларация асосида солиқ солинади. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш муносабатлари Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар асосида тартибга солинади.

— Жисмоний шахслар ўзларининг даромадлари бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этиши лозим. Декларация доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига шахсан бориб топшириш, почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек, электрон шаклда тақдим этилиши мумкин, — дейди ДСҚ бошқарма бўлим бошлиғи Ҳабибулла Раҳмонов. — Жисмоний шахслардан декларацияларни қабул қилиш вақтида давлат солиқ хизмати органлари иш соатлари узайтирилиб, ҳафтанинг дам олиш кунларида ҳам масъул ходимлар хизмат кўрсатади. Ҳар бир давлат солиқ инспекциясида декларацияларни тўғри тўлдириш бўйича очиқ эшиклар куни ва семинар машғулотлари ташкил этилиши орқали малакали маслаҳатлар бериб борилади.

Бундан ташқари, жами йиллик даромадлари бўйича декларацияни жисмоний шахслар ўзлари учун қулай бўлган жойда ва куннинг исталган вақтида Давлат солиқ қўмитаси расмий www.Soliq.uz сайтида кўрсатиладиган "Электрон солиқ декларациялари" давлат интерактив хизмати орқали электрон шаклда топшириши мумкин. Ушбу давлат интерактив хизмати солиқ декларациясини хатосиз тўлдиришда ёрдам бериши билан бирга жуда оддий бўлиб, бунинг учун фақат электрон рақамли имзога эга бўлиш талаб қилинади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, агар жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадидан унинг аризасига кўра солиқ энг юқори ставка асосида ушлаб қолинган бўлса, декларация тақдим этилмайди.

Даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган, ўз вақтида тақдим этмаган ёки унда атайин нотўғри маълумотларни кўрсатган ҳолда тақдим этган фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекси 174-моддаси учинчи қисмида энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима қўлланилиши белгилаб қўйилган.

З. ШАРИФЖОНОВ



Серқуёш ўлкамизнинг ҳар бир гўшасида бўлганидек, Олмазор туманидаги исми жисмига жуда ярашиқли бўлган "Истиқлол" маҳалласида ўтказилган халқимизнинг суюкли ва ардоқли, бетакрор ва дилбар айёмларидан бири бўлмиш баҳор, гўзаллик, нафосат, меҳр-мурувват байрами — Наврўзи олам шодиёналари унинг ҳар бир қатнашчиси қалбига катта завқ-шавқ ва кўтаринки кайфият бағишлади.

АРДОҚЛИ АЙЁМ ҚУВОНЧЛАРИ

— Ўзининг узоқ ўтмиш тарихига эга бўлган маҳалламизда истиқомат қилаётган ҳар бир ёшу қари қалбларни қалбларга, дилларни дилларга боғлайдиган Наврўзи оламнинг нурафшон дамларини ўзгача соғинч ва қувонч билан нишонлашга пухта тараддуд кўрган ҳолда келдилар, — дейди "Истиқлол" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Бобур Ғойибназаров. — Чиндан ҳам доимий анъанамизга кўра бу гал ҳам маҳалламиз аҳли ва меҳмонларга дошқозонларда тайёрланган баҳорий тансиқ таомлар — ҳалим ва кўклам неъматларини тортдик.

Дарҳақиқат шундай. Маҳаллада бу йилги Наврўз байрамига ўзгача тараддуд кўрилди. Улуғ айём шарафига ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалладошлар фаоллик кўрсатишди. Кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Маҳалланинг файзига файз, чиройига чирой қўшилди.

— Юртимиз тинч ва осойишта, осмонимиз мусаффо, халқимиз фаровон, бундай юртга байрамлар ярашади, — дейди филология фанлари номзоди Содиржон Ёқубов. — Бу йил қутлуғ 25 йиллиги катта тантана қилинадиган Мустақиллигимиз шарофати билан қадриятларимиз тикланди, неча минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз айёми халқимизнинг ҳақиқий суюкли миллий байрамига айланди. Бундан ҳаммамиз зўр ифтихор туйғуларини туямиз.

— Шундай кунларни етказганига шукроналар айтамиз, — дейди маҳалла фаоли, меҳнат фахрийси Абдурашид Бобораҳимов. — Маҳалламизда ёши улуғ инсонлар талайгина. Мамлакатимизда кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром, ғамхўрлик учун Юртбошимизга ташаккурлар айтамиз.

Маҳаллада ўтказилган маросимда қатнашган ҳар бир кишининг қалбида ана шундай шукроналик туйғулари зоҳир эди. Чиндан ҳам юртимизда Наврўзимиздек улуғ байрамимизнинг, азалий қадриятларимизнинг чинакамига эъзоз топаётганлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Зеро, бўлиб ўтган файзли маросимда изҳор этилган қалб сўзлари, хушовоз хоманда, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўктам Аҳмедов бошчилигидаги санъаткорларнинг ижро этган дилрабо куй ва қўшиқларида ҳам ўтаётган бахтиёр дамларимизга шукроналик туйғулари, ардоқли айём қувончлари мужассам эди.

Солиҳ ЁҚУБЖОНОВ

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи

Ота-боболаримиз азалдан маҳаллани қадрлаган, ҳар бир ишни маҳалла аҳли билан бамаслаҳат қилган. Одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, эзгу орзу-мақсад сари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилган.

ДИЛЛАРГА СУРУР БАҒИШЛАДИ



Халқимизнинг севимли байрами Шайхонтоҳур тумани Маннон Уйғур маҳалласида ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланди. Маҳалла гузарида бир пиёла чой устида қизғин суҳбат қурилди, ош тортилди. 167-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш қилинди.

Ушбу ҳудудда 12-13 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ ҳашари кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Маҳалла кўчаларига 80 га яқин манзарали, 60 га яқин мевали дарахтлар, юзга яқин атиргул кўчатлари экилди, дарахтлар оқланиб, шакл берилди.Бу ишларда маҳалла аҳли фаол иштирок этди.

— Маҳалламизда 660 та хонадон бўлиб, 5300 га яқин аҳоли яшайди, — дейди Маннон Уйғур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шокирбек Музрабеков. — Аҳоли ҳар йили Наврўз байрамини катта тантана қилади. Асосан бу тадбирни кам таъминланган оилалар, кексалар, маҳалла фаоллари, ёшларни жалб қилган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказамиз.

— Ҳар йили Наврўз олдидан тозалик, ободончилик ишлари олиб борилади, уйларнинг олди супурилади, — дейди маҳалла фаоли, 72 ёшли Боқижон Аҳмедов, — бу каби ишларда маҳалла аҳли доимо фаол иштирок этади. Байрамлар аҳиллиқда, кўтаринки руҳда нишонланади. Наврўз байрами кунлари боқувчиси йўқ, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинади. Маҳалла ҳудудида жойлашган мактабнинг "Гулғунча" рақс дастасининг чиқишлари йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади.

Қ.ЗОКИРОВ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭЗГУ ВА ГЎЗАЛ ҚАДРИЯТИ



Яшариш ва янгиланиш рамзи, баҳор элчиси бўлмиш Наврўзи олам байрами Юнусобод туманидаги "Оқибат" маҳалласида ҳам ўзгача руҳда нишонланди.

Дастлаб янги қурилган маҳалла гузарида отахонларнинг дуоси олиниб, Машкура Ходжаева, Севара Раҳматуллаева, Мавлуда Ортиқовалар саъй-ҳаракатлари билан маҳалла хотин-қизлари, кайвони онахонлар Наврўз, баҳор, янгиланиш ҳақидаги қўшиқларни куйлаб, шоду хуррамлик билан сумалак таомини тайёрлашди.

"ХХХ" тантаналар кошонасида қўшни Уста Ширин, "Янгиариқ" маҳаллаларидан ҳам меҳмонлар иштирок этган байрам тадбири файз-тароватга бой ўтди. "Оқибат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Абдувалиев бош-қошлигида ташкилий ишларга Камолов, Собиров, Акмалов, Ҳидоятхўжаев, Исроиловлар оилалари катта ҳисса қўшишди.

Шу куни байрам иштирокчиларини Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Теша Мўминов, шунингдек, Асрор Аброрхўжаев, Дилноза Кубаева, Ўзбек Миллий академик драма театрининг бир гуруҳ актёрлари қутлашди, маҳалла қошидаги Атҳам Раҳматуллаев бошчилигидаги "Ифтихор" дастаси аъзолари ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларни даврага чорлади.

— Маҳалламиз ўз номи билан "Оқибат", — дейди Карим ака Холмирзаев. — Бинобарин, кичиклар хизматда, катталар иззатда бўлган, қадриятларимиз бўй кўрсатадиган мана шундай байрамларимизу яхши кунларимиз бардавом бўлсин.

Наврўзи олам шодиёналаридан сўнг маҳалладаги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногирон фарзандлари бор оилаларга байрам совғалари улашилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ

Шаҳримизнинг барча туманларида яшариш ва меҳр-оқибат айёми бўлмиш – Наврўзи олам байрами кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Жумладан, куни кеча "Тошкент иссиқлик маркази" АЖда ҳам қутлуғ байрамга бағишланган тадбир ўтказилди. Корхона ишчи-ходимлари, дориломон кунларга шукроналик ҳиссини туяётган отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари, ёшлар, эл севган санъаткорлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Наврўз йил боши, тинчлик, бунёдкорлик, яратиш ва янгиланиш, хайр-саховат байрами сифатида халқимиз томонидан азал-азалдан нишонланиб келаётганини таъкидлашди.

— Наврўзи олам халқимиз томонидан қут-барака, меҳр-оқибат ҳамда тўкин дастурхон рамзи сифатида қадрланади, — дейди "Тошкент иссиқлик маркази" акциядорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси раиси Фазлитдин Фахритдинов. — Мустақил юртимизга мана шундай байрамлар ярашади. Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимиз, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни вояга етказишдек илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятларни яратиб берди.

Тадбирга яхши кайфият, хурсандчилик улашишни мақсад қилган шоир ва санъаткорлар – Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Толиб Мўминов, Вазира Юнусова, театр актёрлари Саида Саидбекова, Бахтиёр Юсупов, Ҳамза Ҳасанов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шеърият бўлими мудири Икром Отамуродлар байрам билан барчани қутлашди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси Мухлис Бердиевнинг оҳанграбо куй-қўшиқлари ҳаммани рақсга чорлади.

Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ҳамда "Меридиан" вокаль чолғу ансамбли хонандалари томонидан она Ватан, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар жаранг сочди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда қўмита Марказий аппарати шахсий таркиби, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри божхона бошқармалари, "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинология маркази вакиллари, божхона фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимизнинг "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида таъкидланганидек, азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб кетди.

Табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам Наврўзнинг одамзотнинг табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашида, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Тинч ва осойишта юртга байрам, тўй ва тантаналар ярашади. Бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари аввалambor халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва юрт фаровонлигига қаратилган. Бу борада божхона органлари ходимлари ҳам юртимизнинг иқтисодий барқарорлиги ва тинчлиги йўлида самарали хизмат қилиб, ижобий кўрсаткичларга эришмоқда.

Тадбирда байрам муносабати билан тизимда ўз меҳнати билан барчага ўрнак бўлаётган бир гуруҳ ходимлар, шунингдек, божхона фахрийлари рағбатлантирилди.

Юртимизга фасллар келинчаги баҳор ўз сепини ёйган бир пайтда атроф яшилликка бурканиб, дарахтлар куртак очиб, боғу роғлар янада чирой очди.

ВАРРАКЛАР САЙЛИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар қалбида миллий ғоя, урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа доирасида ёшлар маънавиятини оширишга қаратилган бир қатор танлов ва мусобақалар, маънавий-маърифий тадбирлар ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

"Варраклар сайли" мусобақаси ҳам лойиҳадан ўрин олиб, иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотган беллашув "Бунёдкор" футбол майдони олдида ташкил этилди.

Ташкил этилган "Варраклар сайли"да Чилонзор туманидаги 30 та умумтаълим мактабларининг 6-8 синфларида таҳсил олувчи 170 нафар ўқувчи-ёшлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари билан биргаликда ўз қўллари билан ясаган "Лайлак", "Бешқамич", "Қуроқ" деб номланувчи варраклари билан иштирок этишди.

Тадбир якунида фахрли ўринлар ва "Энг баланд учган варрак", "Энг чиройли парвоз этган варрак", "Энг жозибадор варрак" йўналишларида ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ҒУРУР ВА ИФТИХОР МАСКАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бекатдан чиқиб, ер ости йўлидан борар экансиз, турли гуллар ифоридан дилингиз чоғ бўлади. Зиналардан кўтарила бошласангиз хиёбон марказида савлат тўкиб турган Амир Темур ҳайкали кўзга ташланади. Атроф обод, майсалар ям-яшил. Бу бетакрор гўзалликка мафтун бўлган шоирнинг кечинмалари сизнинг ҳам кўнглингиздан ўтади:

Баҳор. Изоҳ шартмас албатта.
Бироқ янги сирни пайқадим:
Нафас ола бошлади ҳатто
Бу шаҳарнинг ҳамма ҳайкали.

Қаршингизда виқор билан отда ўтирган буюк саркарда намоён бўлади. У ўзининг жанговар либосида. Лекин қиличи қинида. Чап қўлида от жиловини маҳкам тутган. Ўнг қўлини баланд кўтариб олам аҳлини аҳилликкa, адолатга чорламоқда. Нигоҳидаги қатъиятда унинг одиллиги, донишмандлиги, мардлиги ва матонати намоён. Ҳайкал тагкурсисида Соҳибқирон сиёсатининг асоси бўлган "Куч – адолатдадир" шиори зарҳал ҳарфлар билан тўрт тилда ёзиб қўйилган. Буюк бобокалонимизнинг бу бебаҳо ҳикмати хиёбонга келган ҳар бир инсон қалбида акс-садо бермоқда, эзгуликка ундамоқда.

Соҳибқирон ҳайкали теграсида бир гуруҳ сайёҳлар суратга тушаётир. Уларни суҳбатга чорладим. Ўзини Цю Гуи Ши деб танитган хитойлик меҳмон таассуротларини сўзлаб берди:

– Ўзбекистонга биринчи келишим. "Ўзбекистон" меҳмонхонасига жойлашдик. Хонам деразасидан хиёбон яққол кўриниб туради. Дўстларим билан келишиб, Амир Темур ўнг қўлида ишора қилиб турган манзилга борадиган бўлдик. Сайлгоҳ кўчаси бўйлаб юриб Мустақиллик майдонидан чиқиб қолибмиз. Амир Темур шу ерга ишора қилган экан-да, деган фикр ўтди хаёлимдан. Меҳмонхона хизматчиларидан бирига шу ҳақда айтдим. У ҳайкалнинг рамзий маъносини гапириб берди. Кейин Темурийлар тарихи давлат музейига бордик. Амир Темур ва темурийлар даврига оид ноёб экспонатлар билан танишдик. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари кўплаб аждодларингиз ҳақида Хитойнинг Бэйши ва бошқа солномаларида ҳам атрофлича маълумотлар берилган. Ҳозир шу майдонда туриб ўйлаяпманки, ўқиганларим кўз ўнгимдан бирма-бир ўтмоқда. Шундай буюк зотларнинг ворисларига астойдил ҳавасим келди.

Амир Темур бобомизнинг бир даъватини эсладим: "Агар куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг". Нақадар теран, маъноли фикр. Шундай эмасми?! Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари замирида Соҳибқироннинг ана шу даъвати мужассам, аждодлар яратувчанлиги авлодлар ишида давом этаётир, десак хато бўлмайди.

Бултур Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб, Амир Темур ва темурийлар фозил, бунёдкор бўлганидан ғурурландим. Амир Темур мақбараси, Бибихоним жомеъ масжиди, Мирзо Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари... Хуллас, барча қадамжолар кўнгилга алланечук хотиржамлик ва чексиз ифтихор бағишлайди. Обидаларнинг асрлар оша ўз кўрки ва салобатини сақлаб келаётганини халқимиз матонати ва собитлигига менгзаш мумкин. Шундай лаҳзаларда шонли ўтмишимиз, буюк аждодларимиз, бугунги обод ҳаётимиздан мамнунлик кайфияти чулғайди кишини...

Хиёбонга келаётган юртдошларимизда ҳам шундай ҳислар кечаётганини пайқаш қийин эмас. Гулгун чеҳрасида бугунги тинч, дориломон кунлардан шукроналик, ўзаро меҳр-оқибат, аждодлари сиймосидан ғурур ва уларга муносиб бўлишдек масъулият туйғулари балқиб турибди.

Ана, бир гуруҳ болалар ҳайкал томон оҳиста келмоқда. Ўрта ёшлардаги аёл атрофга ишора қилиб уларга алланималарни тушунтирмоқда. Ўқитувчи ўқувчиларига "очиқ дарс" ўтаётган бўлса керак. Сўзларига қулоқ тутдик:

– Бу хиёбон жуда кўп воқеаларга гувоҳ бўлган. Буни кекса авлод вакиллари яхши билади, – дейди мураббия Соҳибқирон ҳайкалига қараб. – Кимларнинг ҳайкали қўйилмаган бу ерга... Лекин улардан биронтасининг бу майдонга, умуман, юртимизга зиғирча дахли бўлмаган... Ҳай, майли, улар, шукрки, энди ўтмиш... Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин Президентимиз ташаббуси билан хиёбоннинг асл эгаси "қайтиб келди". Йигирма уч йил аввал биз ҳозир кўриб турганимиз миллатимиз ифтихори, мустақиллик ва озодлик тимсоли – Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади.

Мустақиллик йилларида хиёбонда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Эски дарахтлар ўрнига табиий иқлим шароитига мос манзарали дарахт ва гуллар экилди. Кўркам фаввора ва йўлакчалар қурилди. Бугун хиёбон замонавий қиёфада. Бу файзли ва муаззам майдон юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг севимли масканига айланган.

Давлатимиз раҳбари Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда "Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз – жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар! Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди", деб таъкидлади ифтихор билан.

– Аудиториямиз ойнасидан буюк бобокалонимизнинг ўктам сиймоси яққол кўриниб туради, – дейди Тошкент давлат юридик университети талабаси Исломжон Ҳайдаров. – Ўтган йили курсдошларимиз билан мамлакатимиз бўйлаб саёҳатга чиқдик. Таассуротлар бир олам. Мамлакатимизда Амир Темур бобомизнинг уч муаззам ҳайкали қад ростлаган. Улар – бир-бирини такрорламайди. Соҳибқирон Шаҳрисабзда тик, Самарқандда ўз тахтида ўтирган ҳолда ва пойтахтимизда от устида тасвирланган. Улар мантиқан бир-бирини тўлдиради. Биласиз, Амир Темур Шаҳрисабзда туғилиб вояга етган. Буюк мақсадлар сари илк қадамини шу заминда қўйган. Самарқанд – Амир Темур асос солган қудратли давлатнинг маркази. Шу ердан туриб юртни идора қилган. Тошкент шаҳрида Соҳибқирон жанговар кийимда, гўё зафарли юришдан қайтаётгандек тасвирланган. Чап қўли от жиловини тутган. Ўнг қўли уни қутиб олаётган одамларга кўтарилган ва мамлакатда тинчлик-осойишталик мудом ҳукм суришини маълум қилмоқда. Улуғ бобомизнинг виқорли салобати ва баланд кўтарилган қўли, очиқ чеҳраси фаровонлик ва тараққиёт рамзидир.

Серфайз хиёбондаги ўриндиқлардан бирига ўтириб, атрофга боқаман. Амир Темур ҳайкалини кўриш учун келаётганлар қадами узилмайди. Набираларини етаклаган отахону онахонлар, қўл ушлашган болакайлар, китоб мутолаасига шўнғиган талабалар, улуғвор ҳайкал пойида суратга тушаётган хорижлик сайёҳлар... Уларнинг қайрат ва ҳавас балқиган нигоҳлари дилни ифтихорга чулғайди. Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган, халқимиз қудрати тимсолига айланган шундай буюк бобокалонимиз борлигидан беҳад ғурурландим.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири

Реклама ўрнида

Ассалом, Наврўз!

Азиз юртдошлар!
Сизларни баҳор ва янгиланиш байрами Наврўзи олам билан муборакбод этамиз.

"Quramax medical" компанияси жамоаси

QURAMAX

"18-АВТОБУС САРОЙИ"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг меҳнатсевар, танти, бунёдкор аҳлини эзгулик айёмининг бетакрор жозибаси — Наврўз умумхалқ байрами билан чин қалбдан муборакбод этади.

Элимизнинг ризқи зиёда, толеи баланд бўлсин, кўнглимиздаги олижаноб тилакларимиз амалга ошсин.

Юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, оилаларига кут-барака, фаровонлик ва шодлик тилаймиз!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни фусункор табиатнинг бебаҳо неъмати сифатида ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий қутлаймиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилаймиз!

"SAHOVAT-NON" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган яшариш ва янгиланиш байрами Наврўзи олам сиз азизларга фақат қувонч ва омадли кунларни насиб этсин! Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, омад ва яхшиликлар доимо ёр бўлишини тилаб

"ZARMAS QURILISH" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Реклама ўрнида

"З-АВТОБУС САРОЙИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни Наврўз байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

Наврўзи олам шукуҳи дилларимизни шод, қалбларимизни чароғон қилсин. Халқимизга хос бўлган меҳру оқибат ҳеч биримизни асло тарк этмасин.

Юртимизда тинчлик, хонадонларимизда тотувлик, кўнгилларимизда шукроналик ҳамиша бардавом бўлсин!

"BODOMZOR FAYZ SAVDO" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

она табиатнинг янгиланиши, яшариши рамзи бўлмиш кўҳна ва ҳамиша навқирон Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака, тўкин-сочинлик тилаймиз.

Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин.

ҚАЛБИМИЗДАН НАВРЎЗ ШУКУҲИ ҲЕЧ ҚАЧОН АРИМАСИН!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Бутун борлиққа чирой ва жозиба бахш этаётган янгиланиш ва файз-тароват рамзи бўлган Наврўз умумхалқ байрами барчангизга муборак бўлсин.

Наврўзи олам қалбларимизга қувонч, оилаларимизга бахт-саодат бахш этаверсин!

"ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!


Сизни баҳор ва янгиланиш байрами – Наврўзи олам билан чин қалбдан табриклаймиз.

барчангизга баҳорий кайфият ва мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз.

Халқимиз турмуши обод бўлиши йўлида олиб бораётган ишларингизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

Реклама ўрнида





Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда

КЎРКАМ БОҒЛАР — ЮРТ КЎРКИ

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ташкил этилган экобоғда "Биз – баркамол ёшлар Ватан ободлиги ва озодалигига масъулмиз" шиори остида экологик акция ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Сангинов ва бошқалар Наврўз байрами муносабати билан ҳашар ўтказиш халқимизнинг хайрли анъаналаридан бўлиб, унинг замирида аждодларимизнинг табиатга бўлган беқиёс муҳаббати, эзгу қадриятларимизни келгуси авлодларга мукаммал етказишга интилиш ҳисси намоён бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган, умумий майдони қарийб 120 гектардан иборат йигирма бешдан зиёд экобоғларга ўттиз минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилган.

– Бугун гўзал пойтахтимиз ҳудудининг 35 фоизи кўкаламзорлаштирилган, – дейди ЎзА мухбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хайрулла Гаппаров. – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар киши бошига 30-40 метр квадратга тенг бўлиши керак. Пойтахтимизда бу кўрсаткич 70 метр квадратни ташкил этади. Кўриниб турибдики, Тошкент дунёдаги энг кўкаламзорлаштирилган пойтахт шаҳарлардан биридир. Ёшларнинг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш, уларни она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда бундай акцияларнинг роли катта.

Экологик акциядан кўзланган мақсад халқимизга хос эзгу фазилатларни намоён этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида қайд этилган вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида ўтказилган экологик акцияда ёшлар дарахтлар тагини юмшатиб, уларни оқлади, шакл берди, янги ниҳоллар ўтқазди.

А.КИЁСОВА


ЎзА олган сурат

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 302-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зулхумор Абдушарипова навбатдаги биология дарсини мактаб ҳовлисида ўтди. Болаларга гуллар ва дарахтларнинг хусусиятлари, инсон саломатлигига ижобий таъсири ҳақида сўзлаб берди.

ОБОДЛИККА ОДАТЛАНАЁТГАН БОЛАЛАР

Мактабларда ўтилаётган бундай дарслар ёшларнинг экологик билимини мустаҳкамлаб, табиатга меҳрини оширмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги фармойишига мувофиқ, мактабда олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ўқувчилар фаол иштирок этмоқда. Улар ўз мактаби ва унга ёндош ҳудудларни обод этиш билан бирга кўчат ўтқазиш, дарахтларга шакл бериш ва буташ юмушларини ҳам ўрганмоқда.

Ойлик давомида мактабнинг тўрт гектарга яқин майдонига арча, мевали дарахт кўчатлари ва гуллар экилди.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантирадиган, уларни табиий ресурсларни тежашга ўргатадиган дастурларга алоҳида ўрин берилмоқда. "Инсон ва ранг-баранг табиат", "Сув – ҳаёт манбаи", "Инсон ва ҳаво", "Инсон ва тупроқ", "Инсон ва табиат" номли ўқув-методик қўлланмалар дарсларда кенг қўлланилмоқда.

Республика таълим маркази томонидан умумтаълим мактабларида "Тежамкорлик сабоқлари" ўқув-тарбиявий машғулотларини ташкил этиш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ ўғил-қизларга ўзи яшаб турган муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни асраб-авайлаш, сув, газ ва электр энергияни тежашни ўргатишга қаратилган машғулотлар ўтилади.

"Тежамкорлик сабоқлари" ўқув-тарбиявий машғулотлари дастури Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий сайтидаги www.uzedu.uz ахборот таълим портали ҳамда Республика таълим марказининг rtm.uz электрон манзилларига жойланган. Бу ерда "Табиатда инклюзив машғулотларни ўтказиш" бўйича амалий-услубий қўлланма, "Иқлим ҳақида", "Экология ва барқарор тараққиёт таълими" каби ўқув-услубий материаллар тўплами билан ҳам танишиш мумкин.

Табиатсеварлик машғулотлари ўғил-қизларга болалигидан, мактабгача таълим муассасаларидан ўргатилмоқда. Шу мақсадда барча муассасаларда гуллар, қушлар ва ҳайвонлар суратлари жамланмаси билан бойитилган табиат бурчаклари, "экологик йўлакчалар" ташкил этилган. Халқ таълими вазирлиги томонидан "Мактабгача таълим муассасасида экологик тарбия", "Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништириш" каби методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўлланма сифатида жойларга етказилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунига асосан мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика марказида бу борада махсус курслар йўлга қўйилган. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти ҳамда вилоятлардаги Педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида ўқитувчилар "Экология ва барқарор ривожланиш" мавзуида тажриба оширмоқда.

Бундай тизимли ишлар самарасида она Ватанимизни севадиган, унинг бебаҳо неъматларини қадрлайдиган, юртимизни янада обод этишни бурчи деб биладиган авлод вояга етмоқда.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан "Карантин тадбирларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда ўсимлик маҳсулотлари экспорти ва импорти бўйича халқаро алоқаларнинг кенгайиб бораётгани, хорижий давлатлардан ўсимлик уруғлари, мева-сабзавот, полиз экинлари ва манзарали ўсимликларнинг янги навлари кириб келаётгани ўсимлик ва унга мансуб фитосанитария назоратини кучайтиришни тақозо этаётгани таъкидланди.

Қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар юртимизга кириб келишининг олдини олиш долзарб вазифа ҳисобланади. Зеро, боғ ва токзорларни зараркунанда ва касалликлардан самарали ҳимоя қилмай туриб, улардан сифатли ва юқори ҳосил олиб бўлмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, масалан, биргина олма қуртига қарши самарали олиб борилмаган кураш ҳосилнинг 50-70 фоизини йўқотишга олиб келиши мумкин. Карантин объектларидан бири – бегона ўтлар ҳам қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва етиштирилган маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар ва касалликлардан асраш, уларга қарши курашиш мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидандир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фитосанитария назорати, ўсимликлар ҳимоясини халқаро ҳуқуқ нормалари талаблари асосида кенг кўламда ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимиздаги ўсимликларни чет мамлакатлардан турли йўллар билан кириб келган ёки олиб келинадиган касаллик, ҳашарот, бегона ўтлар таъсиридан ҳимоя қилишга, ушбу факторлар аниқланганда эса уларни йўқ қилиб ташлашга қаратилган давлат аҳамиятига эга чора-тадбирларни амалга оширишда ўз самарасини беради.

Давра суҳбатида соҳанинг етакчи мутахассис ва олимлари томонидан бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

С.ШОЕВА

МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида Халқаро франкофония куни ўтказилди. 20 март – Халқаро франкофония ташкилотига (ХФТ) асос солинган кунга бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирда профессор-ўқитувчилар, талабалар, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Университет ректори Шуҳрат Сирожиддинов, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жак-Анри Ольс ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур ўрганиши учун барча шароит яратилганини, бу борада халқаро ҳамкорлик изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар замон талабларига мос, мустақил ва соғлом тафаккурли, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган ёшларни камол топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Ёшларимиз хорижий давлатларда билимини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур тадбирдан мақсад мамлакатимизда француз тилини ўқитиш сифатини ошириш, талабаларда ушбу тилда эркин сўзлашиш қобилиятини ривожлантириш, маданиятлараро ҳамкорликни янада кучайтиришдан иборат.

Халқаро франкофония ташкилотининг асосий мақсади француз тилида сўзлашувчи халқлар ва мамлакатлар урфодати ва маданиятини кенг тарғиб этиш, маданий хилма-хилликка ҳурмат билан ёндашиш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

Тадбир доирасида Франция, Швейцария, Болгария, Грузия, Чехия, Руминия, Миср, Украина каби ХФТга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари томонидан илмий-маданий кўргазма, француз тили бўйича танловлар ўтказилди. Голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди ҳамда Францияга бир ойлик саёҳат йўлланмасини қўлга киритди.

– Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳалар қатори фан-таълим йўналишида ҳам изчил ривожланмоқда, – деди Швейцариянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Штефан Клёцли. – Ҳамкорликда кадрлар малакаси, касб маҳоратини оширишга қаратилган қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Мамлакатингизда таълимнинг барча босқичини юксак даражада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Айниқса, юртингизда чет тилларини ўрганишга қаратилаётган эътибор туфайли ёшлар кўплаб хорижий тилларда эркин сўзлаётганига ҳавас қилса арзийди.

(ЎзА)

Реклама ўрнида



"E'ZOZ CHORVADOR" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини ўлкамизга файзу барокат билан кириб келган баҳорий айём — Наврўз байрами билан муборакбод этади. Йил бўйи байрам шукуҳи дилларингизга ҳамроҳ бўлишига тилакдошмиз.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни баҳор ва янгиланиш байрами – Наврўзи олам билан чин қалбдан табриклаймиз. Баҳорий кайфият ва мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва хотиржамлик доимо ҳамроҳингиз бўлсин. Халқимиз турмушининг обод бўлиши йўлида олиб бораётган ишларингизга омад ва зафарлар тилаймиз.

ХОРИЖИЙ КАПИТАЛ ИШТИРОКИДАГИ "НАФИС-ЧАРМ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Mahalla

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Қадриятларимизни улуғловчи ва тараннум этувчи Наврўзи олам байрами барчангизга муборак бўлсин. Қалбингиздаги байрам шукуҳи, юзингизда табассум, баҳорий кайфият сизларни ҳеч қачон тарк этмасин. Уйғониш фасли оилаларимизга руҳий тетиклик ва қувонч олиб келсин.

"МАҲАЛЛА" ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН БЎЛИНМАСИ ЖАМОАСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳлини кўклам ойининг кўркам байрами билан самимий қутлайди. Кўҳна ва ҳамиша навқирон Наврўзи олам ўзининг қутлуғ қадамларида саодатли кунларнинг гўзал тароватини, завқу шавқини, ҳузур ва ҳаловатини олиб келсин. Юртимиз осмонида тинчлик куйлари янграб, халқимиз соғ, омон ва бахтли яшасин. Она диёримиз равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда омад ҳамиша ёр бўлсин!



Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивалини ўтказишга бағишлаб матбуот анжумани ташкил этилди.

БУЮК МАМЛАКАТНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Жалолов, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ҳордиқ чиқариши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган шароитлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Ҳудудларда улар учун барча зарур шароит яратилмоқда. Юртимизнинг фаол ва ташаббускор, хусусан, давлат мукофотлари билан тақдирланган, нуфузли халқаро ва мамлакат танлов ҳамда фестивалларида ғолиб бўлган, фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларни қўлга киритган ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида "Камолот" уйлари барпо этилиб, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган бинолар реконструкция қилиниб, ёш оилаларга топширилаётир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида навқирон авлодни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, улар қалбида юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантириш орқали ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларни "оммавий маданият" ва бошқа иллатлар таъсиридан асраш мақсадида 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур фестивалнинг нуфузи ошиб, қамрови йилдан йилга кенгайиб бормоқда.

– Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ташкил этиладиган фестиваль доирасидаги тарғибот тадбирларида депутатлар, маданият ва санъат намояндалари, таниқли спортчилар, санъаткорлар, ёш олимлар, кенг жамоатчилик вакилларидан таркиб топган тарғибот гуруҳлари аъзолари иштирок этади, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. – Мазкур фестиваль ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш ва уларни мамлакат равнақи учун камарбаста инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ёшлар фестивалида навқирон авлодга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилади. "Ҳоким ва ёшлар", "Замонамиз қаҳрамонлари", "Депутат ва ёшлар" мавзуларидаги лойиҳа ва учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, таниқли санъаткорлар томонидан ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг аҳамияти, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида маълумотлар берилади.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида жойларда фестивалнинг якуний гала-концерти ўтказилади. Унда фаол ёшлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва вилоят ҳокимликларининг эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ ЯПОНИЯГА БОРИШАДИ

Футзал бўйича Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, 10 сентябрдан 2 октябргача Колумбияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига Ўзбекистон терма жамоаси йўлланмани қўлга киритгани барчага маълум.

Хосе Мария Мендез бош мураббийлигида жаҳоннинг кучли терма жамоаларидан бири Эронга муносиб қаршилик кўрсатган Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида ҳам муваффақият қозонишга аҳд қилган.

22-24 май кунлари Японияда футзал бўйича халқаро ўртоқлик турнири ўтказиладиган бўлди. Ушбу турнирда Япония, Вьетнам ва Ўзбекистон терма жамоалари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришади.

Маълумки, жорий йилнинг ёзида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

ҲАМЮРТИМИЗ МУҲИМ БАҲСНИ БОШҚАРАДИ

Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган Олимпиада ўйинларининг футбол турнирида 16 та терма жамоа қатнашади. Шу кунгача Бразилия, Аргентина, Дания, Германия, Португалия, Швеция, Фижи, Гондурас, Мексика, Жазоир, Нигерия, Ироқ, ЖАР, Япония, Жанубий Корея терма жамоалари Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишган. Нуфузли мусобақанинг сўнгги олимпия терма жамоаси номи Колумбия – АҚШ олимпия терма жамоалари ўртасидаги плей-офф баҳсидан кейин маълум бўлади.

Эътиборлиси, ФИФА томонидан уй-меҳмон тизимида ўтадиган ушбу баҳсни туркиялик Жунайт Чақир ҳамда ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқаради. 25 март кунги Колумбия – АҚШ олимпия терма жамоалари беллашувини туркиялик ҳакам бошқарса, 29 март куни АҚШнинг Техас штатидаги "Тойота" стадионида бўладиган жавоб ўйинини Равшан Эрматов бошқаради.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Қозоғистонда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.

Қозоғистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан уюштирилган ушбу халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Тожикистон, Россия жамоалари ҳам иштирок этишди.

Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган "Пахтакор" жамоасининг 2004 йилда туғилган ўсмирлари барча рақиблари устидан ғалаба қозонишди ва халқаро турнир ғолиби бўлишди. Ёш пахтакорчилар Қозоғистоннинг "Жастар" жамоасини 5:0, Россиянинг Нижний Новгород шаҳридаги БЎСМ тарбияланувчиларини 3:0, Қозоғистоннинг "Актобе" клубини 3:0, Тожикистоннинг "Умид Истаравшан" командасини 2:1, Чимкентнинг БИИК тарбияланувчиларини 3:0 ҳисобида енгишди.

Энди "Пахтакор"нинг яна 3 та ёш тоифасидаги тарбияланувчилари шу ой охирида Россияда ташкил этиладиган халқаро турнирда қатнашишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Темур Мамадаминов олган сурат

ТАЙЁРГАРЛИК ЮҚОРИ ДАРАЖАДА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати иккинчи саралаш босқичи сўнгги икки ўйини олдидан тайёргарликни юқори даражага олиб чиқишмоқда.

Самвел Бабаян бошчилигидаги футболчиларимиз муҳим учрашувлар арафасида Тошкентда кунига икки маҳалдан машғулотлар ўтказмоқда. Ҳозирги пайтда барча футболчилар жамоа сафига келиб қўшилган ва улар баҳсларга шай ҳолатда. Эслатиб ўтамиз, сўнгги икки ўйин олдидан Ўзбекистон терма жамоаси олти учрашув ўтказиб, 15 очко тўплаган ҳолда "Н" гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Гуруҳда 7 учрашувда 16 очко жамғарган КХДР терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирокидаги сўнгги икки тур ўйини ҳам Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионида соат 18:00 да бошланади.

Осиё Футбол Конфедерацияси 2018 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш босқичи учун ўтказиладиган қуръа ташлаш маросими муддатини тасдиқлади.

ҚУРЪА САНАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Маълум қилинишича, 12 апрель куни Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридаги "Mandarin Oriental" меҳмонхонасида қуръа ташланади. Бу сафар саралаш босқичида ўн иккита мамлакат терма жамоалари олтитадан икки гуруҳга бўлинган ҳолда Россиядаги мундиал йўлланмаси учун курашни давом эттирадилар.

Осиё Футбол Конфедерацияси, шунингдек, Баҳрайнда бўлиб ўтадиган 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичи учун қуръа ташлаш муддатини ҳам эълон қилди. Унга кўра, мазкур турнирга қуръа ташлаш маросими 30 апрель куни Баҳрайн пойтахти Манама шаҳрида ўтказилади.

Ботир ХЎЖАЕВ

Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир. Президентимиз ташаббуси билан барча ҳудудларда бунёд этилаётган спорт саройлари, ёшлар марказлари баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

ПРОФЕССИОНАЛ СПОРТГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Камолот" шахмат тахтаси IX анъанавий Республика турнирининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

2007 йилдан буён Ҳаракат ташаббуси билан қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган "Камолот" шахмат тахтаси мусобақаси ёш ҳаваскор шахматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг профессионал спортга дадил қадамлар билан кириб келишларида муҳим туртки бўлмоқда.

— Мусобақани ташкил этишдан мақсад ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида спортнинг шахмат турини янада кенгроқ тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш, ҳаваскор ёш шахматчиларни рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйишдан иборатдир, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати ходими Азиза Раҳматуллаева. — Бу каби тадбирлар ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш учун мамлакатимизда яратилаётган кенг имконият ва шароитлар уларнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин тасдиғидир.

Мусобақанинг қуйи босқичлари жорий йилнинг январь ойида ўтказилиб, унда пойтахтимиздаги 287 та умумтаълим мактаби, 118 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 22 мингдан ортиқ ҳаваскор ўқувчилари беш ёш тоифаси бўйича қатнашди. Турнирнинг Тошкент шаҳар босқичида 110 нафар ёш шахматчилар ўзаро куч синашдилар. Ақл-заковат, хушёрлик, иқтидор ва истеъдод беллашувида Муяссар Мирзаҳмедова ва Максим Огай 8 ёшгача, Камила Мирзаҳмедова ва Умаржон Фахриддинхўжаев 12 ёшгача, Сарвиноз Қиличева ва Сардор Болтаев 14 ёшгача, Гулбадан Нишонова ва Абдулфайз Эшонқулов 16 ёшгача, Наргиза Фозилжонова ҳамда Шокиржон Бозоров 19 ёшгача бўлган шахматчилар орасида ғолиблар сафидан ўрин олиб, Андижон вилоятида бўлиб ўтадиган Республика турнирига йўлланмани қўлга киритдилар.

Тадбир сўнгида мусобақа ғолиблари ва фаол иштирокчилар турли номинациялар бўйича ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зафар НАЗАРОВ

ХАЙРЛИ ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлимлари ташкилотчилиги ҳамда ҳамкорлигида Учтепа туманидаги 287-сонли умумтаълим ўрта мактабида фахрийлар, педагоглар, ўқувчилар, маҳалла фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир ўқувчиларга "ЭКОСАН"нинг Орол муаммолари ва унинг ечими борасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги "Харитага кирмаган саҳро" фильми намойиши билан бошланди.

Тадбирни олиб борган мактаб директори Фотима Турдиева меҳмонларни ва ўқувчиларни баҳор Наврўз байрами билан қутлади ҳамда мактаб боғига экилаётган кўчатларнинг инсон ҳаётига, айниқса, ёш авлод соғлиғига ижобий таъсирини алоҳида таъкидлади. Экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда унинг мусаффолигини таъминлаш мақсадида мактабда ҳашарлар ташкил этиш одат тусига кирган. Туман мактаблари ўртасида ўтказилган экология ва биологияга бағишланган фестивалда мазкур мактаб жамоаси 2-ўринни эгаллади. Ушбу саъй-ҳаракатларни самарали давом эттириш мақсадлари учун Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва "ЭКОСАН" фонди томонидан хайрия йўлида тақдим этилган кўчатлар ва "Экологик бурчак" ташкил этиш учун ажратилган адабиётлар, плакатлар учун директор фонд вакилларига ташаккур билдирди.

Биология фани ўқитувчиси Дилором Шукурова мактабда баҳор фаслига бағишлаб уюштирилган саломатлик, экология ва биологияга оид тадбирлар юқори савияда ўтганлиги ҳақида сўз юритди ва табиатга ҳар бир инсон қанчалик меҳр кўрсатса, шу меҳридан келажак авлод баҳраманд бўлишини таъкидлади, бу борада соғлом турмуш тарзининг аҳамияти катта эканлигига эътибор қаратди. Ушбу фикрни қувватлаган мактабнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Дилором Пўлатова "Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" номли акция ўтаётганини ва унинг натижалари ўқувчиларда экологияга бўлган муносабатларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганига алоҳида урғу берди. 9-синф ўқувчиси Нилуфар Пўлатова Яккасарой Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг мамлакатимиз ёшларига "ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг "Анъаналарни тикла — дарахт эк!" ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг "Ҳар бир ёшга- бир ниҳол!" акцияларига жавобан, Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб 25 туп ниҳол экишга чорловчи "Мурожаатнома"сини ўқиб берди.

"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси координатори Азизбек Ботиров тадбир иштирокчиларини Наврўз айёми билан қизғин табрикладилар ва ўзлари билан олиб келган мева кўчатларини улар билан экишда қатнашдилар.

Мактаб ўқувчиларининг бадиий чиқишлари ушбу ҳашар дастурига файз киритиб турди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 13 январдаги 10-1512/22439-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон ва Кичик ҳалқа йўли кўчасида жойлашган, "Сағбон Нон" МЧЖга тегишли, умумий майдони 709 кв.м, баландлиги 3,30 – 4,0 метр бўлган, 1 қаватдан иборат Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 187 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 2 май куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 29 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 1.07.2015 йилда №009830-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RASUL BAXT BARAKA" МЧЖ (ИНН 303352754) **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99890 983-88-79.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **25 март** куни ҳаво ўзгариб туради. Кечаси ва эрталаб ёмғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9 даража илиқ, кундузи 17-19 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ